

**“МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ” ДМ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ” ДМ**

**САДИРОВ РУСТАМ МАМАТХОН ЎҒЛИ**

**МЕТАСОМАТИТЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
МИНЕРАЛЛАР ТИПОМОРФИЗМИ (АУМИНЗА-БЕЛТОВ ТОҒЛАРИ)**

**04.00.08 – Минералогия. Кристаллография.**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Садиров Рустам Маматхон ўғли**

Метасоматитларнинг таркибий хусусиятлари ва минераллар типоморфизми  
(Ауминза-Белтов тоғлари) ..... 3

**Садиров Рустам Маматхон угли**

Особенности состава метасомати тов и типоморфизм минералов (горы  
Ауминза-Бельтау) ..... 21

**Sadirov Rustam Mamatxon ugli**

Features of the composition of metasomatites and the typomorphism of minerals  
(Auminza-Beltau mountains) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**“МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ” ДМ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ” ДМ**

**САДИРОВ РУСТАМ МАМАТХОН ЎҒЛИ**

**МЕТАСОМАТИТЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
МИНЕРАЛЛАР ТИПОМОРФИЗМИ (АУМИНЗА-БЕЛТОВ ТОҒЛАРИ)**

**04.00.08 – Минералогия. Кристаллография.**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.PhD/GM276 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти Давлат муассасасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.mridm.uz](http://www.mridm.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Амиров Элмурод Мансуриддин ўғли**  
Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Расмий оппонентлар:**

**Мамарозиков Усмоижон Довронович**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Холиков Азимжон Бабамуратович**  
геология-минералогия фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

«Ўзбек геология кидирув» АЖ

Диссертация химояси “Минерал ресурслар институти” ДМ ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01. рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил “25” 12 соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100064, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел. (99871) 209-08-93; e-mail: [info@mridm.uz](mailto:info@mridm.uz), [gpniimg@exat.uz](mailto:gpniimg@exat.uz)).

Диссертация билан “Минерал ресурслар институти” ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. 3476 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100064, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси 64-уй. Тел: (99871) 209-08-93).

Диссертация автореферати 2025 йил “11” 12 куни тарқатилди.  
(2025 йил “26” 11 даги 28 рақамли реестр баённомаси).



**М.У. Исоков**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**С.С. Сайитов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.ф.д. (PhD)

**М.М. Пирназаров**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётидаги замонавий геологик тадқиқотларда янги конларни, жумладан, кимматбаҳо металл конларини башоратлаш ва қидиришнинг илмий асосларини яратиш муҳим аҳамият касб этган. Ривожланган мамлакатлардаги конлар бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижаларидан маълумки, турли тоғ жинслари ва маъданларнинг моддий таркибини аниқлаш бўйича тўпланган маълумотлар уларнинг табиий жараёнларда шаклланиш қонуниятларини аниқлашда ва маъданларни башорат қилиш борасида муҳим аҳамият касб қилади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида маъданлашув билан боғлиқ ҳолатда шаклланувчи турли метасоматитлар ва маъданлар таркибини тадқиқ қилиш асосида янги майдонларда фойдали қазилма конларини излашнинг илмий асосланган қидирув мезонларини ишлаб чиқиш бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маъдан олди ўзгарувчи тоғ жинслари ва маъданларнинг ҳосил бўлиш ва минералогик-петрографик хусусиятларини аниқлаш, улар таркибидаги асосий минералларнинг типоморф белгиларини очиқ бериш фойдали қазилма конларини излаш ишларида илмий асосланган мезонларни ажратиш имконини беради.

Республикада кейинги йилларда геология-қидирув ишларини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш, соҳани ислоҳ қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, айрим тоғ-кон ҳудудларининг ёпиқ майдонларида янги олтин маъданли объектлар аниқланди (Турбай, Окжетпес, Пистали, Қумтош ва б.). Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида “.....Иқтисодиёт учун зарур минерал хом ашё базасини кенгайтириш.....”<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Марказий Қизилқумдаги Ауминза-Белтов тоғларида олтин маъданлашувини қидирув мезонларини аниқлаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонида, 2018 йил 1 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3578-сон, 2021 йил 21 апрелдаги “Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5083-сон қарорларида, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширилишига мазкур диссертация ишидаги тадқиқотларнинг натижалари муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 60-сон Фармони.

**Тадқиқотнинг республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Марказий Қизилқум метасоматик ҳосилалари, улар билан боғлиқ маъданлашув турли йилларда И.Х.Хамрабаев, В.Н.Ушаков, М.И.Исмаилов, М.С.Кучукова, В.Д.Цой, Д.С.Шер, Ч.Х.Арифуров, М.Хон, А.А.Кременецкий, Х.Р.Рахматуллаев, В.Ф.Проценко, А.А.Бабаджанов, И.П.Щербань, Н.В.Котов, А.Б.Кольцова, В.А.Хохлов, Н.М.Заири, П.Ф.Иванкин, А.М.Мусаев, М.С.Карабаев ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Илгари олиб борилган тадқиқотларда Ауминза-Белтов тоғлари ва унга ёндош майдонларда метасоматик ҳосилалар ва маъдан ассоциациялари минералогиясини ўрганиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Шунга қарамай, маъдан олди ўзгаришларининг шаклланиш хусусиятлари (жараёнлар кимёси), метасоматитларнинг минерал ассоциациялари таркиби ва Ауминза-Белтов тоғлари олтин маъданли объектларининг асосий минераллари типоморфизми етарлича ўрганилмаган. Ушбу тадқиқот натижалари маълум маънода мазкур масалалар ечимига хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти “Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизик институти” ДМ илмий-тадқиқот режасининг 281-сонли “Магматик, постмагматик ва метасоматик ҳосилаларда асосий ва ҳамроҳ маъданли элементларнинг тарқалиш қонуниятларини, ҳамда учраш шакллари аниқлаш ва чуқурлик сари башорат-қидирув мезонини яратиш (Марказий Қизилқумдаги олтин ва олтин-нодир металл объектлар мисолида)” (2019-2021) ва 3/2021-сонли “Марказий Қизилқум турли хил маъданларини технологик хусусиятларини аниқлаш ва геологик-саноат турлаш учун уларнинг микроминерал ассоциациялари ва геологик-геокимёвий кўрсаткичларини тадқиқ қилиш” (2020-2022) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ауминза-Белтов тоғлари метасоматитлари ва маъданлашувнинг минерал таркиби, уларнинг типоморф хусусиятларини аниқлаш ҳамда илмий асосланган қидирув мезонларини ажратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Ауминза-Белтов тоғларидаги олтин маъданлашув билан боғлиқ бўлган метасоматик ҳосилаларни турлаш ва уларнинг минерал таркибларини аниқлаш; майдондаги метасоматитларнинг ҳосил бўлишидаги таркибий хусусиятлари ва улар билан боғлиқ бўлган маҳсулдор парагенезисларнинг типоморф минералларини ажратиш;

Ауминза-Белтов тоғлари метасоматик ҳосилалари ва маъданлашувни ташкил этувчи асосий минералларнинг типоморф хусусиятларини замонавий тадқиқот усулларида тавсифлаш;

худудда олтин маъданлашувини башорат қилишда қўллаш мақсадида минералогик қидирув мезонларини ажратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Марказий Қизилқумнинг Ауминза-Белтов тоғларидаги Шимолий Карабугут, Кумтош-2 ва Жасаул конлари ва маъдан намоёнлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ауминза-Белтов тоғлари олтин маъданли объектларнинг метасоматитлари, минерал парагенезислари, уларнинг турлари, ҳамда асосий минералларининг типоморф хусусиятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда анъанавий геологик-минералогик усуллар (петрографик-минералогик кесмалар ўтиш, профиллар тузиш, намуналар олиш), юқори аниқликга эга бўлган замонавий минералогик таҳлил усуллари (тоғ жинсларининг минерал таркиби шаффоф ва силлиқланган шлифлар тавсифи бўйича “Nikon ECLIPSE LV100N POL” электрон микроскоплари ҳамда микроминералларнинг кимёвий таркиби ва учраш шакллари JXA-8800R Jeol “Superprobe” микрозондида), маълумотларни таҳлил қилишда компьютер дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ауминза-Белтов тоғларида олтин маъданлашув билан боғлиқ бўлган метасоматитларнинг турлари ажратилган, минерал таркиблари аниқланган ва уларнинг ҳосил бўлишида кимёвий ўзгаришлар хусусияти очиб берилган;

тадқиқот майдонидаги олтин маъданлашувини ташкил қилувчи минерал парагенезислар қатори ажратилган, уларнинг метасоматитлар билан ўзаро муносабатлари аниқланган ва асосий типоморф минералларининг таркибий хусусиятлари кўрсатилган;

биринчи марта кенг қўламда Ауминза-Белтов тоғлари олтин конлари ва намоёндаларидаги маъданли минераллар таркибига кирувчи қўшимча элементлар миқдори статистик таҳлил қилинган ва уларнинг корреляциявий боғлиқлигининг рақамли кўрсаткичлари келтирилган;

Ауминза-Белтов тоғлари метасоматитлари, минерал парагенезислари ва минералларининг ўзига хос белгилари ва типоморф хусусиятларини мужассам қилган маъдан қидирувининг минералогик мезонлар мажмуаси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ауминза-Белтов тоғларидаги метасоматик тоғ жинслари батафсил минералогик-петрографик тавсифланган ва улар маъдан олди ўзгарувчи тоғ жинсларининг березит, эйсит ва аргиллизит турларига мансуб эканлиги исботланган;

тадқиқот майдонидаги метасоматик ҳосилалар ва улар билан генетик боғлиқ бўлган олтинга маҳсулдор парагенезисларнинг типоморф минераллари ажратилган;

метасоматит ва маъданларни ташкил қилувчи асосий минералларнинг кимёвий таркиби ва қўшимта элементларини акс эттирувчи типоморф хусусиятлари аниқланган;

Ауминза-Белтов тоғларида олтин маъданларини қидиришнинг минералогик қидирув мезонлар мажмуаси ажратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги мажмуавий дала ва лаборатория тадқиқотлари материалларига – Ауминза-Белтов тоғларининг метасоматик жинслари ва маъданлашув тарқалган майдонларда дала тадқиқот ишларини (3200 п.м структуравий-литологик, 1850 п.м геологик-минералогик кесмалар тузиш, 52 та батафсил геологик кузатув нуқталари маълумотлари, 42 та мономинералларнинг спектрал тахлили, 26 та кимёвий (силикатли) таҳлил натижалари бўйича тўпланган материалларга асосланади. Шу билан бирга метасоматик тоғ жинсларидан олинган намуналар бўйича шаффоф (64 та) ва силлиқланган шлифларни (58 та) замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда минералогик тавсифлари очиб берилганлиги билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ауминза-Белтов тоғларидаги метасоматитлар ва улар билан боғлиқ бўлган маъданли минерал парагенезисларнинг турли ассоциациялари ажратилганлиги, уларнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш кетма-кетлиги очиб берилганлиги, ҳамда асосий маъданли ва жинс ҳосил қилувчи минералларининг типокимёвий хусусиятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти метасоматик ҳосилаларнинг алоҳида турлари билан олтин маъданлашувини вужудга келтирувчи ўзига хос таркибдаги маҳсулдор минерал ассоциациялар ривожланганлигини аниқланиши ва майдонда қидирув ишларида қўланиладиган минералогик қидирув мезонлари мажмуаси ажратилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ауминза-Белтов тоғлари метасоматик ҳосилалари ва олтин маъданлашувининг шаклланиши ва асосий минераллари типоморф хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ауминза-Белтов тоғлари олтин маъданлашувини назорат қилувчи метасоматитлар ва уларнинг минерал таркибига доир маълумотлар “Ўзбек геология қидирув” АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2025 йил 8 июльдаги 08-2006-сон маълумотномаси). Натижалар ҳудуддаги маъдан олди ўзгарган майдонларни ажратиш, ҳамда метасоматик тоғ жинслар таркибини тавсифлаш имконини берган.

Тадқиқот майдонидаги метасоматитларнинг таркибий хусусиятлари ва олтин маъданлашувининг маҳсулдор парагенезислари бўйича олинган натижалар “Ўзбек геология қидирув” АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2025 йил 8 июльдаги 08-2006-сон маълумотномаси). Натижалар Ауминза-Белтов тоғларида геологик-қидирув

ишлари олиб борилаётган майдонлардаги олтин маъданларнинг турларини ажратиш ва моддий таркибини батафсил тавсифлашга ёрдам берган.

Ауминза-Белтов тоғлари маъданли минераллар типоморф хусусиятлари ва уларни мужассам қилган маъдан қидирувининг минералогик мезонлар мажмуаси “Ўзбек геология қидирув” АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғкон саноати ва геология вазирлигининг 2025 йил 8 июльдаги 08-2006-сон маълумотномаси). Натижалар геологик-қидирув ишларида маъданлашув майдонлари чегараларига аниқлик киритиш ишларида қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 таси республикада, 3 таси хорижда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бет, 35 та жадвал, 41 расмдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланган, тадқиқот объектлари ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ўрганилиш ҳолати, тадқиқотлар услубияти ва майдоннинг геологик тузилиши”** деб номланган биринчи бобида Ауминза-Белтов тоғлари ҳудудида муаммонинг ўрганилиш ҳолати ва геологик тузилишига оид маълумотлар ўз аксини топган.

Ауминза-Белтов тоғ-маъданли ҳудуднинг аҳамиятли конларининг ҳосил бўлиш шароитлари, жойлашуви ва моддий таркибига доир маълумотлар Ч.Ҳ.Арифуллов, Н.Й.Гурейкин, В.Ф.Проценко, Д.А.Дорофеев, Х.Х.Лайпанов, Э.А.Дунин-Барковская, М.А.Ким, П.Ф.Иванкин, Н.И.Назарова, Н.В.Котов, Й.Н.Зверев, Л.Г.Порицкая, И.П.Шербан, Р.В.Цой, И.П.Иванов, А.Б.Колцов, М.К.Турапов, В.Д.Цой, М.С.Карабаев, С.С.Сайитов, Э.М.Амиров, А.Б.Юсупов ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Ауминза-Белтов тоғларининг олтин маъданли конларида ривожланган маъдан олди ўзгаришлар ва уларнинг минералогиясига доир маълумотлар Н.Я.Гурейкин (1982), Д.Т.Ажгирей (1993), У.Кемпе (2001), И.П.Шербан

(1990), Э.Б.Бертман (1976), М.С.Карабаев (2019) бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Худуддаги маъдан ва маъдан олди ўзгаришларнинг моддий таркибини биринчи бўлиб А.М.Гаврилов ўрганган ва метасоматик ҳосилаларнинг таркибида доимо карбонат ҳамда серицит учрашини таъкидлаган (1968). Кейинчалик А.М.Полвонов ва бошқалар (1995) томонидан конлар атрофида серицитлашув, карбонатлашув ва камроқ даражада кварцлашув, пиритлашув жараёнларининг кенг ривожланганлиги таърифланган.

Довгизтов маъданли майдонининг метасоматик ҳосилаларининг таркиби асосан – кварцли, кварц-дала шпатли, кварц-серицитли, кварц-карбонатли эканлиги ва аргиллизитлар кенг ривожланганлиги эътироф этилган (Д.Т.Ажгирей,1993).

Белтов тоғлари олтин маъданли объектларининг метасоматик ҳосилаларини ўрганиш натижалари, бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ И.П.Шербан, Р.В.Цой ва б., (1990) илмий ишларида батафсилроқ ёритилган. Кейинги йилларда М.С.Карабаев томонидан Ауминза тоғларидаги (2019) олтин-кумушли объектларнинг минералогик ва геохимёвий хусусиятларини ўрганиш бўйича мақсадли тадқиқотлар ўтказилган, ҳамда маъданлашув таркибидаги микроминералларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертация ишини бажариш давомида ўтказилган минералогик тадқиқотлар анъанавий ва замонавий усулларда бажарилган. Анъанавий усуллардан штуфли намуналар тавсифланган, шаффоф ва силлиқланган шлифлар, брикетлар оптик микроскоплар ёрдамида тадқиқ этилган, метасоматитларнинг ҳосил бўлиш жараёнларининг таркибий хусусиятларини аниқлаш мақсадида, тоғ жинслари ва маъданларнинг кимёвий таркиблари аниқланган. Маъданли минераллар таркиби, улардаги кўшимча элементлар миқдори Superprobe JXA-8800R (Jeol, Япония) русумли микроанализатор ёрдамида ўрганилди.

Марказий Қизилқумнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган Ауминза-Белтов тоғлари геотектоник жиҳатдан Зарафшон-Туркистон бурмаланган системасининг бир қисми саналади. Бирламчи вулканоген-чўкинди тоғ жинсларини мужассам қилган томеозой фундаменти юқори протерозой, куйи-ўрта палеозой ва қопламали мезо-кайнозой ётқизиқларидан таркиб топган (А.К.Бухарин ва б., 1989). Тадқиқот майдонининг стратиграфик ҳосилалари З.М.Абдуазимова А.К.Воронков, Й.К.Биковский ва бошқалар (1986-2016) томонидан ўрганилган ва улар қуйидагилардан иборат.

Юқори протерозой (PR<sub>2</sub>) тоғ жинслари ауминза ва тасқозғон свиталари ҳосилаларидан иборат, улар асосан Ауминза тоғларида кузатилади. Куйи ва ўрта палеозой Pz<sub>1-2</sub> ётқизиқлари қўрғонтов, рохат, мурун ва жингелди свита ҳосилаларидан иборат. Тавсифланаётган тоғ жинслари таркибида терриген ҳосилалар билан бирга андезит таркибли метатуфларнинг кумтош-алевролитлари ва сланецлари кенг тарқалган.

Худудда асосий бурмали структуралар II тартибли Ауминза – Белтов антиклинали ҳисобланади, у бўйлаб тоғ кўтарилмаси вужудга келган, унинг қанотлари кичикроқ миқёсдаги антиклинал ва синклиналлардан иборат. Узилмали қурилмалар майдонда кенг ривожланган бўлиб улардан аҳамиятлиси субкенглик бўйлаб жойлашган шимолий-ғарбий йўналишдаги ёриқлардир. Кейинги тектогенез босқичларида вужудга келган иккинчи даражали ёриқлар бўйлаб (Коспақтов зонаси, Жанубий ёриқ ва б.) майдондаги маъданлашув объектлари шаклланган.

Ауминза тоғларида магматик ҳосилалар кенг тарқалган, улар ёши ва таркиби бўйича уч хил интрузив комплексларга ажратилган: ўрта ва кечки карбон габбро-гранитоидли, эрта перм гранит-гранодиоритли ва эрта перм лейкогранитли. Тадқиқот объектларида улар деярли кузатилмаган.

Тадқиқот майдонининг асосий маъданли фойдали қазилмалари олтин, кумуш ва уран ҳисобланади. Олтин маъданли объектлар Ауминза тоғларида Қумтош, Карабугут, Биринчи Сентябрь, Ажибугут, Довон ва Белтов тоғларида Довгизтов, Высоковольтное, Жасаул ва бошқа бир қатор олтин конлари ва маъдан намоёнлари сифатида кузатилади. Улар асосан узилмали қурилмаларнинг бурдаланиш зоналарига тўғри келади

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ауминза-Белтов тоғлари олтин маъданлашуви метасоматитлари ва уларнинг минерал таркиби”** деб номланган бўлиб, унда тадқиқот майдонидаги олтин маъданлашуви билан боғлиқ ҳолда ривожланган турли метасоматик ҳосилаларнинг минерал таркиби ва уларнинг минералогик зоналлиги очиб берилган.

Ауминза-Белтов тоғларида олтин маъданлашув билан бирга ривожланган асосий маъдан олди ўзгаришлар березитли ва кварц-альбитли метасоматитлар, камроқ аргиллизитлар ҳисобланади. Улардан муҳим амалий аҳамият касб этувчи маъдан олди ўзгаришлар березитлардан иборат бўлиб, улар шаклланишида ўзига хос зоналик ҳосил қилади. Березитларнинг ички зонасида кварц, серицит, карбонат, пирит кенгроқ тарқалган, ташқи зоналарида карбонат, альбит ва хлорит кўпроқ кузатилади. Березитлар билан ягона маконда кварцлашув зоналарида пирит-арсенопиритли маъданли ассоциация ривожланиши кузатилади.

Кварцлашув асосан томир, томирча ва метасоматик шаклда бўлиб ички зоналарга хос. Карбонатлар асосан доломит-анкеритдан ташкил топган, серицит ва хлоритлар билан бир текис тарқалган. Оралиқ зона асосан серицит, карбонат, пирит, хлорит ва камроқ таблеткасимон альбитдан ташкил топган. Березитлашган тоғ жинсларининг ташқи зонасида кўпроқ хлорит, кварц, гидрослюда, кальцит, майда таблеткасимон альбитдан иборат.

Кварц-альбитли метасоматитлар асосан нотўғри зоналар, томир ва томирчалар кўринишларда ривожланган; йирик донали, полисинтетик кўшалокли альбит, кварц, карбонат камроқ пиритдан ташкил топган ва плагиоклаз-хлоритли сланецлар ва метаалевролитлар бўйича ривожланади. Маъданли минераллар (асосан пирит) бир текис майда хол-хол ва 0,07мм дан катта бўлмаган заррали. Метасоматитларнинг оралиқ зонасида ушбу

минераллардан ташқари хлоритнинг миқдори кўпроқ. Альбитлашувнинг ташқи қисми майда донали альбит ва хлоритнинг (10-12%) тупроксимон тўпламлари ҳамда майда заррали пирит ажралмаларидан ташкил топган. Альбитлашув зоналарида кварц-карбонат-полисульфидли томирчалар кузатилади. Томирчалар таркибида карбонат, пирит, галенит ва сфалерит билан бир қаторда, юқори миқдорда хлорит мавжуд.

Ауминза-Белтов тоғлари олтин маъданли объектларида камроқ тарқалган маъдан олди ўзгаришлардан бири березит ва кварц-альбитли метасоматитларга нисбатан кечроқ ривожланган аргиллизитлашув бўлиб, улар асосан каолинит ва камроқ гидрослюдали минераллардан ташкил топган. Аргиллизитлар тоғ жинсларининг бурдаланиш ва дарзлик зоналарида томирсимон, чизиқли кўринишларда ривожланган.

Уларнинг ички зонаси асосан зич халцедон кўринишли кварц, карбонат, камроқ серицит (гидрослюда) ва изометрик шаклдаги пирит, сфалерит доналаридан ташкил топган. Карбонатлар марганецли (0,6-1,1% гача) анкерит-доломитлар билан тавсифланади. Аргиллизитлашув оралиқ зонасида каолинит уясимон ва алоҳида уюмлар кўринишида, ҳамда оч рангли хлорит-плагиоклазли метаалевролит қолдиқлари билан бирга учрайди. Метасоматик ўзгаришларнинг ташқи зонасида дала шпатлари гил минераллари билан, бирламчи тоғ жинсларидаги хлорит эса карбонат ва кварц билан алмашинади.

Ауминза-Белтов тоғларида олтин маъданлашуви билан боғлиқ ҳолда ривожланган метасоматитларнинг ҳар бир тури, метасоматик устуннинг ички қисмида жойлашган ўзига хос типоморф минераллари билан тавсифланади: хусусан березитларда – серицит, эйситларда – альбит, аргиллизитларда – каолинит ва гидрослюда; бундан ташқари турли миқдорларда карбонатлар, пирит, хлорит ва кварц учрайди.

Учинчи - **“Метасоматитларнинг таркибий хусусиятлари ва маъданлашувнинг минерал парагенезислари”** деб номланган боб Ауминза-Бельтов тоғларидаги маъданли объектларида шаклланган метасоматитларнинг ҳосил бўлиш жараёнларида таркибий хусусиятларининг ўзгариши ҳамда олтин маъданлашувнинг асосий параген ассоциациялари ва уларнинг типоморф минераллари ажратилган.

Метасоматитларнинг ҳосил бўлиш шароитлари ва кимёвий таркибини аниқлаш мақсадида, бирламчи тоғ жинслари ва улар бўйича ривожланган метасоматик ҳосилаларнинг кимёвий таркиби аниқланди. Березитларнинг ҳосил бўлиш жараёнида гидротермал суюкликлар билан кремнеземнинг келтирилиши кузатилади.

Березитлашув зонасида натрийнинг миқдори камайиб боради (3,6-5,6% гача), лекин бир қисми сақланиб қолади (1,21% гача). Бу эса березитлашув зонасида озроқ янги ҳосил бўлган альбит мавжудлиги билан боғлиқ. Березитлашув зонасида кам миқдорда темир (0,6-1,15%), калий (0,5-1%) ва кўпроқ кальций (1-1,6%) ва карбонат ангидридларнинг (1,5%) ортиши кузатилади. Бошқа компонентлар миқдори деярли ўзгармайди.

Метасоматоздаги асосий компонентлар ҳаракати березитлашув жараёни нордон гидротермал суюқликларнинг ҳосиласи эканлигидан далолат беради.

Эйситларнинг ҳосил бўлиш жараёнида, ўзгарган зоналарда кремнезем миқдори бироз камайиши (0,6-1%) ва кальций, магний (0,5-0,7%), шунингдек асосан натрий ва карбонат ангидритлар (1,2-1,6%) миқдорининг ортиши кузатилади. Эйситларнинг ҳосил бўлиши асосан компонентларнинг қайта тақсимланиши ҳисобига ва гидротермал эритмалар билан карбонат ангидрит ҳамда натрий келтирилиши билан тавсифланади, бу эса эйситлашув ишқорий жараён эканлигини кўрсатади.

Аргиллизитлашув жараёнида кумтош-сланецли тоғ жинсларга нисбатан метасоматитлар таркибида петроген компонентларнинг миқдори камайиши кузатилади (%) – кремнезем (3,6-4,2), темир (0,4-2), глинозем (0,4-0,9), натрий (2,6-3,9), калий (0,9-1,2). Лекин карбонат ангидрит ва сувнинг миқдори кўпаяди. Бу эса аргиллизитлашув гидрокарбонатли гидротермал суюқликлар таъсирида амалга ошишини кўрсатади.

Ауминза-Белтов тоғларида ўрганилаётган олтин маъданли объектларнинг эндоген минераллашув зоналари, тоғ жинсларининг бурдаланган ва кварцлашган ҳамда метасоматик ўзгарган зоналаридаги хол-хол, уясимон ва линзасимон сульфид тўпламлари билан тавсифланади. Минераллашув асосан пирит, камроқ халькопирит, арсенопирит, галенит, сфалеритдан ва кам миқдорда сульфотузлари ҳамда кумуш минералларидан ташкил топган. Жинс ҳосил қилувчи минераллар кварц, альбит, серицит, хлорит, камроқ каолинит ва карбонатлардан иборат. Уларнинг миқдори бирламчи тоғ жинсларининг таркиби ва асосан қайта метасоматик ўзгариш даражасига боғлиқ.

Маъданларнинг структураси майда ва микро донали. Текстураси томирсимон, хол-холли. Кварц-сульфидли (пирит-арсенопирит) ва карбонат-полисульфидли томирчаларнинг ўзаро кесишуви кузатилади. Кварц-сульфидли томирчаларда пиритнинг хол-холли кристалломорф доналарининг ўлчами 0,5-1 мм ни ташкил этади ва улар асосан тоғ жинсларнинг кварцлашув зоналарида учрайди. Баъзи пирит кристалл доналарининг ўлчами 1 мм дан катта. Кварцда пирит билан бир ассоциациясида ромбсимон, узунчоқ шаклдаги майда донали арсенопирит учрайди. Пирит-1 – арсенопиритли минераллашган зоналар, пирит-2 – халькопиритли кварц-карбонат таркибли томирчалари билан кесилган. Уларда маъданли минераллашув халькопирит, пирит, сфалеритлардан ташкил топган бўлиб, майда занжирсимон шаклга эга ва кварцлашув йўналиши бўйлаб чўзилган.


Эндоген маъданлар маконда қуйидаги параген минерал ассоциациялардан иборат: кварц-пирит-арсенопиритли (асосий маҳсулдор); кварц-карбонат-полисульфидли; каолинит-карбонат-сульфид-сульфотузли ва маъданлашувдан кейинги кварц-карбонатли, карбонат-цеолитли.

Кварц-пирит-арсенопиритли ассоциация асосий маҳсулдор ассоциация ҳисобланади ва маъданли зоналарнинг амалий аҳамиятини белгилайди. Сульфидли минераллашувнинг асосий қисми ушбу ассоциациянинг

таркибидаги тоғ жинсларнинг кварцлашув зоналарида майда, хол-хол, алоҳида зарралар кўринишида учрайди (1-расм). Маконда улар березитлар билан бирга учрайди ва ҳосил бўлиш вақти бир-бирига яқин. Сульфид минераллари кўпинча ўзгарган тоғ жинсларининг қолдиқлари ва кварц зарраларининг оралиқ зоналарида зич тўпламлар кўринишида кузатилади. Ассоциацияда майда заррали пирит орасида арсенопиритнинг нисбатан йирик кристаллари кузатилади.

Ушбу ассоциациянинг минерал таркиби (%): пирит – 15-20, халькопирит – 0,5 гача, пирротин – алоҳида доналар, арсенопирит – 0,5-1. Ассоциацияда олтин майда дисперс, субмикроскопик, кўринишларда, пирит-1 ва арсенопирит-1 да учрайди. Арсенопиритнинг олтиндорлиги юқори бўлишига қарамасдан маъданлашувни ҳосил қилувчи дисперс олтиннинг асосий миқдори асосан пиритга боғлиқ, чунки унинг турли объектларда ўртача кўрсаткичи арсенопиритдан 20 дан 50-70 баробаргача кўп.

Пирит тўпламлар, баъзан қалинлиги 2-3 мм гача бўлган томирчалар кўринишида учрайди (1-расм). Пирит-1 тўпламлари бирламчи маъданлардаги сульфидларнинг асосий қисмини ташкил қилади (90% гача). Ажралмаларнинг ўлчамлари 0,004n дан 0,3n мм гача.



**1-расм. Кварцдаги халькопирит-1 (а) ва унинг кварц томиридаги пирит-1 билан бир ассоциацияда учраши (б,в); кварц-карбонатли томирчадаги пирит-марказитли (г), халкопирит-сфалерит (д) ва пирит-халькопирит (е) ассоциацияларида минерал агрегатларининг морфологияси.**

Пирит кўпроқ геометрик шаклга эга бўлиб, у алоҳида кубик, пентагондодекаэдр кристаллар, кўпроқ ксеноморф доналар, хол-хол, занжирли ва уясимон кўринишларда учрайди. Уларнинг кварцда тарқалиши бир текис эмас. Бу ерда пирит ўлчамлари 2-4 мм гача бўлган кристаллар ҳосил қилган.

Арсенопиритнинг ўлчамлари 0,0n-0,n мм ташкил этади. Улар чўзинчоқ, призматик, ромбик, понасимон шаклларни ҳосил қилган. Минерал асосан идиоморф, камроқ гипидиоморф донали, текис кристалл қирралари билан

ифодаланган. Арсенопиритнинг миқдори пиритникидан бир неча ўнлаб марта кам бўлсада, аммо бу сульфид олтиндорликнинг тўғридан-тўғри белгиси ҳисобланади.

Кварц-карбонат-полисульфидли ассоциация. Кичик қалинликдаги (0,5 дан 1 см гача) кварц-карбонат ва пирит-2 таркибдаги томирчалар кўринишида, кварц-альбитли (эйситлар) метасоматитлар билан бирга кузатилади. Уларда марказит, халькопирит, сфалерит, хира маъдан ва галенит минераллари учрайди. Ассоциация субпараллел ва ўзаро бир-бирини кесувчи ёриқларда жойлашган. Ушбу томирчаларнинг чекка қисмлари бўйлаб тоғ жинсларида кичик қалинликдаги хлоритлашув ривожланган.

Ассоциациянинг ички тузилиши майда донали. Кварц-карбонатли томирчалардаги пирит-2 баъзан кварцнинг чекка қисмларида алоҳида кристалломорф кўринишларда жойлашган, у майда заррали хлорит ва темирли карбонат (анкерит-сидерит) томирчалари билан кесишган. Пирит агрегатининг тузилиши донадор, ўлчами 0,1 мм катта эмас.

Пирит-2 марказит билан бир ассоциацияда, кварц массасида турли хил шаклларда учрайди ва парагенезиснинг асосий қисмини ташкил этади. Пирит-2 – марказитли ассоциация ажралмалари ўлчами 1-5 мм бўлган чўзинчоқ шаклдаги доғсимон, массив, нотўғри агрегатларни ҳосил қилган. Уларнинг қалинлиги 0,00n дан 1-2мм гача, узунлиги бир неча мм гача.

Ассоциациядаги марказит нотекис, тартибсиз тарқалган, 0,n мм гача бўлган алоҳида кристал доналар кўринишида ва пирит таркибида майда заррали тўпламлар сифатида ҳам учрайди. Пирит-2 ва марказит деярли бир вақтда ҳосил бўлган.

Халькопирит-2 анкерит-сидерит, пирит, сфалерит ва галенит билан бир ассоциацияни ташкил этади. Халькопирит доналарининг ўлчами кичик (0,01-0,1 мм), кўпинча нотўғри шаклларни ҳосил қилган. Ўрганалаётган объектлар маъданларидаги халькопиритнинг асосий миқдори ушбу ассоциацияда учрайди.

Кварц-карбонат-полисульфидли томирчаларда пластинкали, узунчоқ, нотўғри шаклдаги майда заррали соф олтин доналари учрайди. Соф олтиннинг сульфид минераллари билан бирга ўсишмалари аниқланмади, лекин улар аниқ бир параген ассоциацияда учрайди. Параген минералларнинг ўзаро муносабатларига асосланган ҳолда, кварц-полисульфидли ассоциация олтин-пирит-арсенопиритли ассоциациядан кечроқ шакланганлигини қайд этиш мумкин.

Ассоциацияда таркибдаги хира маъдан минераллари кварц, пирит, сфалеритларда алоҳида (ҳажми 0,03-0,05 мм дан кичик) доналар кўринишида тарқалган. Камдан-кам ҳолларда хира маъдан халькопирит ва сфалерит билан бирга майда (0,02 мм) ажралмаларни ҳосил қилган. Ушбу ассоциация таркибида камёб минераллардан бири кадмий сульфиди – гриконит учрайди.

Каолинит-карбонат-кумуш-сульфид-сульфотузли ассоциация олтин маъданли объектларда фақатгина юпка томир ва томирчалар кўринишида учрайди. Ассоциациянинг асосий массаси карбонат, каолинит, гидрослюда,

хальцедонсимон кварц ва камроқ хлоритдан ташкил топган. Маъданли минераллар пирит, камроқ сфалерит, антимонит, соф кумуш ва турли микроминераллар комплексидан иборат.

Пирит-3 карбонат ва каолинит таркибида кубик шаклдаги доналарни ҳосил қилган. Сфалеритнинг маъдан таркибидаги миқдори 0,01% дан ошмайди. У пирит ва камроқ карбонат-кварцли томирларда халькопирит ҳамда хира маъданлар билан микро қўшимталар сифатида учрайди. Ўлчами 0,02 мм дан 0,05 мм гача бўлган нотўғри кўринишдаги ажралмаларни ҳосил қилган.

Ушбу ассоциация таркибида микроминераллар комплекси сифатида – кумуш сульфиди (аргентит), селенидлар, теллуридлар ва сульфотузлар кузатилади. Бу микроминераллар нафақат сульфидларда, балки кварц, карбонат ва бошқа минералларда жойлашиб, бир ассоциацияни ҳосил қилади. Аргентит пирит, халькопирит билан параген ассоциацияда учрайди ва баъзи жойларда халькопирит атрофида майда доналар ва қўшимталарни ҳосил қилган. Аргентит доналарининг ўлчами 0,5-2 мкм гача, морфологияси нотўғри кўринишда.

Карбонатли, кварц-карбонатли ва карбонат-цеолитли ассоциациялар Ауминза-Белтов тоғларидаги олтин маъданли объектларида кенг ривожланган. Асосий қисми кальцитдан ташкил топган майда (қалинлиги 4-5мм гача) томирчалардан иборат. Цеолитлар оқ, камроқ сарғиш рангда, садафсимон ялтироқликка эга. Маъданли минераллардан ўлчами 0,0n мм бўлган, идиоморф кристалларни ҳосил қилган пирит-4 учрайди.

Олинган маълумотларни умумлаштириш асосида минерал ҳосил бўлиш жараёнининг схемаси тузилди, минерал ассоциациялар ва уларнинг жойлашиш хусусиятлари ҳамда асосий типоморф минераллари ажратилди.

**“Ауминза-Белтов тоғлари метасоматитлари ва маъданлари асосий минералларининг типоморфизми”** номли тўртинчи боб тадқиқ қилинаётган майдонлардаги метасоматик ҳосилалар ва маъданларда кенг тарқалган минералларнинг турли типоморф хусусиятларини очиб беришга қаратилган.

Минералларнинг кимёвий таркиби, улардаги қўшимча элементларнинг миқдорлари микрозонд (Superprobe JXA-8800R Jeol, Япония), спектрал таҳлиллар билан амалга оширилди ва уларнинг натижалари статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинди. Ауминза-Белтов тоғлари метасоматитлари ва маъданли парагенезисларидаги асосий минералларнинг типоморф хусусиятлари бир-биридан фарқ қилади ва маъдан ҳосил бўлиш жараёнининг индикаторлари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу борада турли парагенезислар таркибида учрайдиган кенг тарқалган минералларнинг типоморф хусусиятлари энг маълумотдор ҳисобланади.

Кенг тарқалган номаъдан минераллардан карбонатлар (кальцит, анкерит-доломит, анкерит ва сидерит), кварц, альбит, хлорит, серицит, каолинит, цеолитлар, баритларнинг минерал парагенезислари, таркалиши, морфологик ва типокимёвий хусусиятлари очиб берилган. Масалан, маъдан билан бирга

келадиган хлоритлар, серицитлар, карбонатларда темир ва марганецнинг юқори миқдорлари кузатилади; улар учун As, Ag, Ni, Se, Sb, Zn, Pb элемент кўшимчалари хос. Мисол тариқасида метаморфик, метасоматит жинслар ва маъданларда кенг тарқалган хлоритлар типоморфизми келтирилмоқда.

Хлоритнинг биринчи тури регионал-метаморфлашган камровчи жинсларга хос – микрозаррали, тупроксимон, цемент кўринишида бирламчи тоғ жинси массаси бўйлаб нисбатан бир текис тақсимланган, оз миқдорда серицит билан ассоциацияда; ранги яшил. Иккинчи туркум метасоматик характерга эга – тоғ жинсларнинг кварцлашув ва қайта шаклланиш зоналарида зирапчасимон структурага эга бўлган тартибсиз агрегатлар шаклида ривожланади; карбонат, янги ҳосил бўлган альбит ва пирит билан ассоциация ҳосил қилади. Маъданли минераллашув ривожланиш зоналарида хлорит тўқ яшил рангда бўлади.

Хлоритларнинг метаморфоген ва метасоматик-маъданли ҳосилалардаги таркиби турлича. Метаморфоген хлоритларда кўшимча элементлардан ванадий ва хром миқдорининг ортгани қайд этилган (1-жадвал), бу эса камровчи жинсларнинг таркибига боғлиқ.

1-жадвал

**Микрозонд таҳлиliga кўра томирсимон-метасоматик ва метаморфлашган ҳосилалардаги хлоритлар таркиби**


№ нам.	Параген ассоциациялар	Компонентлар миқдори, % да (сув миқдори келтирилмаган)							
		MgO	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	SiO <sub>2</sub>	CaO	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	TiO <sub>2</sub>	V <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	MnO
К6-16	Кварц-полисульфидли, карбонат кумуш-сульфотузли	1,49	18,39	22,64	0,04	39,66	0,02	0,05	0,30
К6-14		1,59	18,60	21,91	0,10	39,39	-	-	0,28
К-22		5,78	21,57	23,37	0,04	33,83	-	-	0,25
Д-43		5,48	20,32	25,53	0,06	32,76	-	-	0,28
К6-11	Серицит, карбонат (березит лиственитли метасоматитлар) кварц-пирит-арсенопиритли томирли	15,46	21,25	25,48	0,06	24,32	0,06	0,09	0,38
К-16		15,38	21,19	25,36	0,08	24,34	0,05	0,06	0,42
Д-28		13,04	21,26	24,40	0,28	20,67	0,05	0,07	0,43
К6-12		15,40	22,83	26,08	0,15	21,23	0,01	0,03	0,49
Д-56		13,42	22,79	25,35	0,01	25,61	0,01	0,09	0,38
Д55		12,81	21,35	24,43	0,49	25,64	0,36	-	0,48
К6-43		14,66	24,12	27,60	-	26,71	0,04	0,00	0,44
Д-24		14,72	22,33	27,52	-	27,47	0,01	0,12	0,38
П-27		11,30	24,99	26,36	0,06	22,37	0,05	0,06	0,38
П-18		27,52	18,67	29,63	0,17	7,76	0,16	0,46	0,10
П-34	28,99	19,66	30,26	0,12	8,05	0,08	0,54	0,15	
Д-56	27,85	18,96	30,29	0,02	8,62	0,06	0,82	0,19	
К6-46	25,12	20,07	29,12	0,14	7,36	0,12	0,40	0,22	

Метасоматитлар ва улар билан бирга келувчи махсулдор минерал парагенезислардаги томирли хлоритлар темирлашган турлари билан намоён бўлади. Темирнинг магнийга нисбати маъдан олдинги ассоциациялардаги хлоритда жуда паст (0,12-0,15), маъдан билан бирга келган хлоритларда эса юқори (0,5-0,9).

Метасоматитлар ва олтин маъданлашув зоналарида кенг тарқалган маъдан минераллари пирит, арсенопирит, халькопирит, пирротин, галенит, сфалерит ва бир қатор микроминераллардан (жумладан соф олтин) иборат.

Хар бир минералнинг метасоматит ва маъданлардаги парагенезислари, тарқалиши, ажралиш шакллари, морфологик, физик ва типокимёвий хусусиятлари очиб берилган. Олтин маъданлашувининг асосий сульфидли минераллари учун As, Au, Ni, Se, Sb, Zn ва Pb нинг элементлар-аралашмалари типоморф ҳисобланади, уларнинг мажмуалари ва миқдорлари турли параген ассоциациялардаги минералларда ўзига хос.

Қуйида пирит ва арсенопиритнинг алоҳида белгиларининг қисқача тавсифи келтирилган, бошқа минераллар бўйича ҳам шу йўсиндаги маълумотлар олинган. Пиритнинг гидротермал жараёнларда шаклланган учта генерацияси ажратилган, улар ўзаро турли типоморф хусусиятлари билан ажралиб туради. Кварц-пирит-арсенопиритли ассоциациядаги пирит-1 да маргимушнинг юқори миқдори қайд этилган, у пиритда бир текис изоморф тарқалганлигини кўриш мумкин (2-расм). Кварц-карбонат-полисульфидли парагенезисдаги пирит-2 да қуйидаги қўшимта-элементлари қайд этилган - кобальт (0,09-0,39%), никел (0,03-0,33%), мис (0,06-0,28%) ва маргимуш (0,12-0,3%). Маҳсулдор пирит таркибидаги мис, никел ва кобальтнинг юқори миқдори, маргимуш билан бир қаторда, ушбу минералнинг олтиндорлик белгиси ҳисобланади. Кечки карбонат-сульфид-сулфотузли ассоциациядаги пирит-3 нинг шакли идиоморф ва гипидиоморфли, изометрик. Пиритнинг идиоморф кристаллари учбурчак, тўртбурчак полигонал кесимлар билан тавсифланади.



2-расм. Пирит-1 нинг ўсиш зоналари бўйича маргимушнинг (ўнгда) тарқалиши. Элементлар тақсимотининг растрли сурати.


Пиритларда элементларнинг тарқалишини таҳлил қилиш (спектрал ва микрозонд таҳлил маълумотлари) натижасида олтиннинг маргимуш билан кучли ижобий алоқадорлиги аниқланди (корреляция боғлиқлиги  $k=0,81$ ; 2-жадвал), бу илгари маълум бўлган қонуниятни статистик жиҳатдан тасдиқлайди - пиритларда олтиннинг юқори миқдори уларнинг маргимушли турлари учун хосдир. Пиритлар таркибидаги Ag-As-Ni-Sb-Se элементлар ўртасида ижобий боғланишлар мавжуд бўлиб, улар мезо-эпитермал конларнинг маъдан ҳосил қилувчи эритмаларнинг хусусиятларини акс эттиради, бу асосий маъдан минерали ҳисобланувчи пирит таркибида яққол намоён бўлади. Пиритда 10-50 г/т олтин миқдори аниқланди.

Арсенопирит-1 асосан, нотекис хол-хол идиоморф кристаллар, нотўғри доналар, уясимон тўпламлар кўринишида пирит-2 билан бирга ривожланади, ўлчамлари - 0,01 дан 0,4 мм гача.

**Пирит (а) ва арсенопирит (б) қўшимта элементларининг корреляцион  
боғлиқликлари: спектрал (а) ва микрозонд (б) таҳлил натижалари бўйича**

	Ag	Cu	Pb	Zn	As	Ni	Co	Sb		Fe	Co	Ni	Cu	As	Sb	Ag	Se
<b>Au</b>	0,45	0,64	0,02	0,31	0,81	0,63	0,49	0,13		0,42	0,00	-0,39	-0,11	-0,82	-0,12	-0,34	-0,25
<b>Ag</b>		0,38	0,22	0,20	0,48	0,57	0,41	0,28			-0,35	-0,76	-0,36	-0,64	-0,15	-0,37	-0,38
<b>Cu</b>			0,09	0,06	0,65	0,54	0,57	0,50				0,01	0,34	-0,18	0,14	0,07	0,17
<b>Pb</b>						0,07	0,10	0,27					0,22	0,54	-0,03	0,13	0,13
<b>Zn</b>						0,06	0,03	0,22						0,10	0,42	0,23	0,36
<b>As</b>						0,52	0,41	0,25							0,16	0,40	0,29
<b>Ni</b>							0,49	0,07								0,36	0,38
<b>Co</b>	Олтиннинг боғлиқлик кўрсаткичлари																0,75

Кристаллари призматик (3-расм), игнасимон, баъзан силлиқланган ромбсимон. Арсенопирит-1 таркибида кобальт (0,3-0,9%) ва никел аралашмаларининг миқдори юқорироқ (0,03 - 0,85%); кечроқ ҳосил бўлган арсенопирит-2 да эса никел аралашмаси кобальтникидан кўпроқ. Арсенопирит таркибида 100 г/т гача олтин, 20 г/т гача кумуш миқдорлари (спектрал таҳлил). Арсенопирит-2 карбонат-сульфид-сулфотузли ассоциацияси таркибида камроқ учрайди, у майда игнасимон-донали 0,03 мм, камроқ 0,4-0,6 мм. Морфологияси чўзинчоқ, изометриқга яқин, чегаралари текис, кристаллари пирит-3 нинг майда донали массасида нотекис тарқалган.



3-расм. Кварцадаги соф олтин билан бир ассоциацияда арсенопиритнинг узунчоқ-призматик агрегати. Элементлар тақсимотининг растрли сурати.

Арсенопирит-2 учун таркибида мис (0,1-0,18%), кумуш (0,16-0,22%) селен (0,20-0,28%) ва айниқса сурма (0,15-0,63%) каби қўшимта элементларнинг мавжудлиги хос, бу эса нисбатан кечки босқичдаги маъдан ҳосил қилувчи эритмаларнинг таркибини акс эттиради. Умуман олганда, арсенопиритлар учун у билан ассоциация қилувчи пиритга қараганда Sb ва Ni нинг юқори миқдори типоморф белги бўлиб ҳисобланади. Кобальт ва никелнинг арсенопиритлардаги тарқалиши изоморф нотекис-полизонал бўлиб, кристаллнинг ўсиш қирраларини акс эттиради.

Минералогик тадқиқотларнинг амалий натижаси сифатида алоҳида майдонларнинг маъдандорлигини аниқлаш учун қидирув-баҳолаш мезонлари ажратилди. Улар ўз ичига минерал (жумладан маъдан) ҳосил бўлиш жараёнларини акс эттирувчи минералларнинг типоморф параген

ассоциацияларини, типоморф минераллар ва алоҳида минералларнинг ўзига хос хусусиятларини мужассам этган. Уларнинг маъданлашувнинг алоҳида зоналари бўйлаб маконда тарқалишини акс эттирувчи модел яратилди.

## ХУЛОСА

Диссертация ишида эришилган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагилардан иборат:

1. Ауминза-Белтов тоғлари олтин маъданлашувини назорат қилувчи метасоматитлар березит, эйсит, аргиллизитлардан иборат бўлиб ҳар бири метасоматик устуннинг марказий қисмида жойлашган алоҳида типоморф минераллари тўплами билан тавсифланиши ва уларнинг шаклланиш жараёни турли таркибли гидротермал эритмалар билан боғлиқ ҳолда амалга ошиши аниқланган.

2. Ауминза-Белтов тоғлари эндоген маъданлашуви маконда мужассамлашган кварц-пирит-арсенопиритли (асосий маъдан шакллантирувчи), кварц-карбонат-полисулфидли ва каолинит-карбонат-кумуш-сулфотузли ассоциациялардан ташкил топганлиги, ҳамда улар турли типоморф минераллар комплекси билан фарқланиши очиб берилган.

3. Ауминза-Белтов тоғлари метасоматик ҳосилалари ва маҳсулдор парагенезислардаги маъдан ҳосил бўлиш жараёнларининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилувчи асосий маъданли ва жинс ҳосил қилувчи минералларининг ўзига хос таркиб, морфологик белгилари, элемент-қўшимталарини акс эттирувчи типоморф хусусиятлари аниқланган.

4. Биринчи марта Ауминза-Белтов тоғлари маъданли минераллар таркибидаги қўшимта элементлар корреляцион алоқадорлигининг статистик кўрсаткичлари аниқланди ва пирит, арсенопирит, халькопирит, сфалерит таркибларида олтин, маргимуш, мис, кумуш, никел, селен ва сурмаларнинг ўзаро ижобий боғлиқлиги маъданлашувни шакллантирувчи гидротермал эритмаларнинг таркибий хусусиятларини акс эттириши билан изоҳланди.

5. Ауминза-Белтов тоғлари метасоматитлари, минерал парагенезислари ва улардаги асосий минералларнинг ҳосил бўлиш шароитларини акс эттирувчи ўзига хос белгилари ва типоморф хусусиятлари асосида минералогик қидирув мезонлар мажмуаси яратилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО  
СОВЕТА DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ГУ «ИНСТИТУТ МИНЕРАЛЬНЫХ  
РЕСУРСОВ»**

---

**ГУ «ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ  
ИМ. Х.М.АБДУЛЛАЕВА»**

**САДИРОВ РУСТАМ МАМАТХОН УГЛЫ**

**ОСОБЕННОСТИ СОСТАВА МЕТАСОМАТИТОВ И ТИПОМОРФИЗМ  
МИНЕРАЛОВ (ГОРЫ АУМИНЗА-БЕЛЬТАУ)**

**04.00.08 – Минералогия. Кристаллография**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD)  
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2025.1.PhD/GM276**

Диссертация выполнена в Государственном учреждении «Институте геологии и геофизики им. Х.М.Абдуллаева».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.mridm.uz](http://www.mridm.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Амиров Элмурод Мансуриддин угли**  
доктор философии по геолого-минералогическим наукам (PhD)

**Официальные оппоненты:**

**Мамарозиков Усмоишон Довронович**  
доктор геолого-минералогических наук

**Холиков Азимжон Бабамуратович**  
кандидат геолого-минералогических наук

**Ведущая организация:**

**АО «Узбекгеологоразведка»**

Защита диссертации состоится «25» 12 2025 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Разового Научного совета при Научном совете №DSс. 24/30.12.2019.GM.40.01. при Институте минеральных ресурсов, (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (99871) 209-08-93; e-mail: [info@mridm.uz](mailto:info@mridm.uz), [gniiimr@exat.uz](mailto:gniiimr@exat.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер №3476), (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел: (99871) 209-08-93.

Автореферат диссертации разослан «11» 12 2025 г.  
(реестр протокола рассылки № 28 от «26» 11 2025 г).



**М.У. Исоков**

Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

**С.С. Сайитов**

Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по г.-м.н.

**М.М. Пирназаров**

Председатель Научного семинара при разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой практике современных геологических исследований, создание научных основ прогнозирования и поиска новых месторождений, в том числе месторождений драгоценных металлов, играют важную роль. Из результатов научных исследований, проведенных по месторождениям в развитых странах, известно, что собранные данные по определению вещественного состава различных горных пород и руд имеют важное значение для определения закономерностей их формирования в природных процессах и прогнозирования руд.

На сегодняшний день во всем мире проводятся ряд целевых исследований по разработке научно обоснованных поисковых критериев поиска месторождений полезных ископаемых на новых площадях на основе изучения состава различных метасоматитов и руд, формирующихся в связи с оруденением. В частности, определение формирования и минералогическо-петрографических особенностей околорудных измененных пород и руд, выявление типоморфных признаков основных минералов в их составе, позволяет выделить научно обоснованные критерии в работах по поиску месторождений полезных ископаемых.

В последние годы в республике реализуется ряд мер по совершенствованию геологоразведочных работ и реформированию отрасли, в соответствии с современными требованиями. В результате были выявлены новые золоторудные объекты (Турбай, Окжетпес, Пистали, Кумтош и др.) на закрытых площадях отдельных горнорудных районов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи... «обеспечение комплексного и эффективного использования природного, минерально-сырьевого потенциала каждого региона...» В связи с этим, проведение научных исследований, направленных на определение и совершенствование критериев поиска золотого оруденения в горах Ауминза-Бельтау в Центральных Кызылкумах, имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы,» Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3578 от 1 марта 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам,»<sup>1</sup> постановлениями Президента Республики Узбекистан от 21 апреля 2021 года № ПП-5083 «О дополнительных мерах по активному привлечению инвестиций в сферу геологии, трансформации предприятий отрасли и расширению минерально-

---

